Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1979 3

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ V ПЛЕНУМИ

Г. Марков. Партия ва халқ ишига садоқат 3
К. Яшин. Катта карвон йўлидан . 4
Ю. Суровцев. Бирлашган ва кўп миллатли 9
С. Баруздин. Сизнинг ташвишингиз — бизнинг ташвишимиз . . . 11
Ғ. Охунов. Адабиётларимизнинг умумий вазифаси 12
И. Гринберг. Ўзбек романи юксалишда 14
Қ. Қулиев. Юксак шеърият. . . . 16
Ҳ. Ғулом. Қалбларга ёқилган чироқ 17
Р. Казакова. Ижодкорнинг шахсий ибрати 19
Л. Қаюмов. Танқидчиликнинг муҳим муаммолари 21
Пленум кундалиги 24
Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг очиқ партия мажлиси . . 25
У. Умарбеков. Дамир Усмоновнинг икки баҳори. Қисса . . 26
Ю. Шомансур. Устозлар. Достон-қасида 88

ЯНГИ НОМЛАР

Исфандиёр. Атлас кўйлак. Ҳикоя 109
М. Бобоева. Бедорлик. Альбом. Тўй кечаси. Шеърлар . . . 113
Қ. Убайдуллаева. Дил қувончи. Э, кўнгил. Шеърлар . . . 115
З. Рўзиева. Атласчи қиз. Шеърлар 116

ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

В. Зоҳидов. Оташин интернационалист. 119
Тамарахоним. Санъат — саодатим . 120
Н. Сафаров. Байроқдоримиз ўзингиз 121
З. Муҳаммаджонов. Илҳомбахш сиймо 122
М. Абдураҳмонова. Устоз изидан . 123
М. Иброҳимов. Марш жанри ва Ҳамза ижоди 125

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Н. Намозов. Адабий қардошлик жонкуяри 130
Ж. Шарипов. Хоразм. Роман. Давоми. 135

ОЧЕРКЛАР

М. Жалил. Умр. 172

САНЪАТ

М. Аҳмедов. Халқ хизматида . . 178
Б. Искандаров. Совет турмуш тарзи ва театр 182

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Т. Аҳмедов. Мунис 185

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Н. Раҳимов. Адабиётимизнинг қадрдон дўсти 190
А. Маҳмудов. Янги ҳаёт куйчиси . 192

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ғ. Каримов. Прозамизда тарихий тематика 194
Ё. Яқвалхўжаев. Насрдаги илк қадамлар 210
О. Жўраев. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан-ул-асрор» достони . 215

ТАҚРИЗЛАР

Р. Аминова. Акмал Икромов асарлари уч жилдлиги 219
Н. Маллаев, М. Аҳмадбоева, Ҳ. Ҳомидий, Ҳ. Хомидов. Адабиётшуносликнинг муҳим ютуғи . 223
Ғ. Ғафуров. Тақдирни қўл билан яратур одам... 227
Б. Акрамов. Оламнинг бутунлиги . 229
С. Ядиков. Табиат шайдоси . . . 230
И. Отамуратов. Тавсия этурман сенгаз ўзимни 232

ЙИЛЛАР, ҲУЖЖАТЛАР, ВОҚЕАЛАР

З. Ашурбоев. Дўстлик карвонлари 234
Маданий хаёт 239

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёқуб Яквалхўжаев

НАСРДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАР

Ҳикоя жанрининг бугунги аҳволи ва унинг истиқболи ҳақида баъзи танқидчиларнинг ташвишланиб фикр юритганларига кўп бўлгани йўқ. Шундан сўнг оз фурсат ичида урушдан кейинги йилларда туғилган, бугун эса адабиётимизнинг кенжа авлоди сифатида тилга олинаётган ёшларнинг республика матбуотида бир қанча ҳикоялари, айримларининг биринчи тўпламлари эълон қилинди. Тоҳир Малик, Мурод Муҳаммаддўст, Мамадали Маҳмудов, Зоҳир Аълам, Қамчибек Кенжа, Эркин Аъзамов, Мирзоҳид Мирзараҳимов, Нодир Норматов, Алишер Ибодинов, Сотволди Ражабов, Шаҳодат Исахонова, Тоғай Мурод сингари умидли ёшлар шулар сирасига киради. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, бу ёшлардан айримларининг асарлари адабий танқидчиликнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлмоқда. Бу эса бугунги адабий жараённинг, хусусан кичик прозанинг тараққиётига ёшларнинг ҳам маълум таъсири борлигидан далолат беради.

Ёшлар ўз асарларида замонамиз кишиларининг ўйлари, орзу-умидлари, ёш авлоднинг интилиши ва жасоратини ўз имкониятлари қадар акс эттирмоқдалар. Ёшлар китобхон қалбига кириб бора оладиган қаҳрамон яратишга, унинг руҳий оламини чуқур ва мукаммал кўрсатишга интилмоқдалар.

Мазкур ёш авлод совет адабиёти ва ўзбек совет адабиёти насрда тўпланган бой тажрибани қунт билан ўрганган ҳолда катта санъаткорлар анъаналарини давом эттирмоқда. Ўз-ўзидан мавжуд анъаналарни давом эттириш қандай содир бўлаяпти ва бу ҳол нималарда кўринади, деган савол туғилади. Назаримизда анъана бу адабиётда мавжуд бўлган нарсаларни тасвир этилиб келаётган мавзуни келган жойидан давом эттиришгина эмас. Аксинча атоқли санъаткорлар яратган катта адабиётга озгина бўлса ҳам янгилик олиб кириш, уни янги қаҳрамон, янги ҳаёт тасвири билан бойитиш, ўзига хос услубни ярата олишдир.

Шу нуқтаи назардан Тоҳир Маликнинг «Улоқ» («Залварли одимлар», Ҳикоялар ва очерклар, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил.), Қамчибек Кенжанинг «Балиқ ови» («Шарқ юлдузи» 1978 йил, №1), Сотволди Ражабовнинг «Ака» («Ўзбекистон маданияти», 1978 йил, 20 январь.), Нодир Норматовнинг «Ёзнинг сўнгги кунлари» (Кўҳитанг ҳикоялари, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил) ҳикояларини кўздан кечирсак фикр юритаётган ёшлар прозасида кўпгина ижобий фазилатларни кўришимиз мумкин.

Тоҳир Малик «Улоқ» ҳикоясида Ўрта Осиё халқларига хос бўлган халқ ҳаётининг бир кўринишини тасвирлайди. Ҳикояда баён қилинишича, ўзининг машҳур улоқчилиги билан шуҳрат қозонган, бир вақтлар йигитларнинг сардори бўлиб ҳамиша маррага улоқни биринчи бўлиб олиб келган чавандоз кўр Махсумнинг ички дунёси, кечинмалари, ҳаёт ҳақидаги ўйлари ишонарли баён қилинади. Унинг шогирди Ҳомидбек улоқда ошиқ бўлган қизига яхши кўриниш, унинг эътиборини қозониш ҳамда совриндор бўлиш учун устозининг бетига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қамчи тортади. Шу билан бу муқаддас ҳисобланган ўйинга хиёнат қилади. Аслида Ҳомидбекка улоқдан келадиган мукофот ҳам, даромад ҳам керак эмас эди. Фақат унга шуҳрат лозим эди.

Ҳомидбек мукофотни аслида чинакам ғолиб бўлган кўр Махсумнинг уйига элтиб беришининг сабаби ҳам ана шунда. Муаллифнинг муваффақияти шундаки, у воқеаларни ўз истагига қараб эмас, ҳаётнинг оқимига қараб тасвирлайди. Устозига хиёнат қилаётган Ҳомидбекни қоралаб, лаънатламайди. Воқеаларни ҳаққоний, рўй-рост баён қилади-ю, ҳукмини эса ўқувчига ҳавола қилади...

Қамчибек Кенжанинг «Балиқ ови» ҳикоясида қишлоқда яшаб бошлиқларга хушомад қилишга ўрганиб қолган отанинг аянчли фожиаси ҳикоя қилинади. Эрта баҳорда балиқ егиси келган мудирнинг нафсини қондириш Бўронбекка қимматга тушади. Балиқ овига борган ўғли баҳорнинг муздай сувидан шамоллаб, оламдан ўтади. Ёзувчи отанинг фожиаси орқали қишлоқча «мўмин-қобил»ликни, лаганбардорликни қаттиқ қоралайди. Асар ғояси ўқувчи қалбига таъсир этадиган, уни ҳаяжонга соладиган даражада бадиий ифодаланган. Ёзувчи ҳикоя қаҳрамони Бўронбек характерини табиий ва ишонарли тарзда чиза олган.

Нодир Норматов «Ёзнинг сўнгги кунлари» ҳикоясида ўзи яхши ўрганган кишилар ва ҳаёт воқеаларини куюнчаклик билан тасвирлайди. Узоқ йиллар ўқитувчилик қилган, Улуғ Ватан урушининг аёвсиз жангларида иштирок этган Ғаффор ака пешонасидаги осколка қолдиғи таъсирида кўзи хиралашиб кўп нарсаларни илғаб ололмай қолади. Айниқса, география ўқитувчисининг бу аҳволга тушиши яна ҳам оғирроқ. Пенсияга чиқай деса, ёши етмайди. Уруш йилларидаги ҳужжатларнинг кўпига «ғалаба!» деган сўзни эшитиб, махорка ўрашиб чекиб юборишган. Лекин унинг коммунистик жамиятга эътиқоди муқаддас, туйғулари мусаффо ва беғубор. Шунинг учун ҳам ўрнини ёш муаллимга бериб хат ташувчи бўлиб ишлаб юради. Энди ёшлигидаги ёру биродарлари билан гурунг қилиб ўтмишни эслашга ҳам вақт топади. Сўраганларга дардини тўкиб ўтирмайди. Аксинча: «— Биласиз, билим унча катта эмас. Ўқиёлмай урушга кетдик. Бола-чақа ташвиши билан денг, зўрға техникумни битириб...» деганича ўзини айбдор ҳисоблайди. Ғаффор аканинг ҳикоя сўнгидаги драматик ҳолати ўқувчи қалбини ларзага келтиради. Қандайдир йўллар билан чап бериб урушга бормай қолган Ҳамро бобо: «— Уруш бўлиши мумкин. Шунинг учун экиб йиғиб ётибмиз. Ана ўшанда қаҳатчилик бўлишини кўринг. Бир ғалвир буғдой учун диркилламаси ҳам кўйинга киради, укам»,— деб мақтанади. Бу гапларни чол шу қадар лоқайдлик билан айтадики, Ғаффор ака назарида у шунчаки бир худбин эмас, уруш йилларида вафот этган рафиқасининг қотилига ўхшаб кетади. Урушнинг даҳшатларини кўрган инсон бу гапларни ҳазм қилолмайди, бир ҳамла билан Ҳамро бобони ерга йиқитади. Афсуски, Ғаффор ака ҳаракатини ҳамма тўғри тушунавермайди. Айримлар уни руҳий касаллик оқибати деб билишади. Ёзувчи мана шу лоқайдларга нисбатан ҳам китобхоннинг ғазаб ва нафратини уйғота олади. Асар қаҳрамонларини табиий ва жонли ёркин бўёқларда тасвирлашга эриша олгани ёш ёзувчининг муваффақияти ҳисобланади. Назаримизда мана шунинг ўзи ижодий изланишларнинг самарасидир. Бугунги ёш прозаиклар ижодидаги муҳим хусусиятлардан яна бири уларнинг индивидуал услубга эга бўлишга, ўзига яқин бўлган мавзуни ёритишга, ўзлари яхши билган ҳаёт ҳодисаларини тасвирлашга интилаётганликларида намоён бўлади.

Эркин Аъзамов ҳикояларида қаҳрамон психологиясини, руҳий ҳолатларини очиш, воқеаларни контраст ҳолда тасвирлашга интилиш сезилади.

Нодир Норматов кўпинча тоғликлар ҳаёти, улар характерининг ўзига хос тасвирини кўрсатишни ҳикояларига асосий мавзу қилиб олади.

Қамчибек Кенжанинг ҳикояларида эса деҳқон ҳаёти, унинг дарди, ташвишлари, қувончи, соддалиги алоҳида бир жозиба билан баён қилинади. Кескин драматик тўқнашувлар тасвирини беришга ва шу орқали деҳқон турмушини акс эттиришга, унинг ички дунёсини очишга ҳаракат қилади. Бу эса асарга асос қилиб олинган ҳаётни ва муаммоларни ёркин кўрсатишда етакчи омил бўлади.

Мирзоҳид Мирзараҳимов ҳикоялари бир қарашда кўзга чалинмайдиган «майда» воқеаларни лирик планда тасвирлаши билан ажралиб туради.

Тоғай Мурод эса ҳикояларини қаҳрамоннинг ўйлари ва ички кечинмаларини лирик-романтик йўсинда ифодалаш асосига қуради. У воқеаларни қаҳрамон ҳолатига кўчиради. Ички туғён билан ҳолатнинг бирикуви натижасида баён қилинаётган воқеа китобхонни ўзига тортиб олади. Унинг «Момо» деб аталган кичкинагина ҳикояси бу жиҳатдан характерлидир. Ҳикояда тасвирланишича урушга кетган ўғлининг ўлимига ишонмаган Момо фарзандига бўлган бир олам соғинч билан яшайди. Ёзувчи ана шу соғинчни, Момо қалбига чўкиб қолган армонли туйғуларни унинг ўзига сўзлатади. Момо ҳам ҳиссиётларини жуда таъсирли, самимий, айни вақтда оғир бир тарзда китобхонга тўкади:

«Ўғлим!..

Хаста қалби ўртаниб, ёлбориб шу сўзни яна айтмоқчи бўлдилар-у, нафаслари етмади-да... Лаблари пичирлади-ю, овозлари чиқмади-да... бор кучини йиғиб, талпиниб, ўғлининг пойига бағрини босдилар. Елкаларини силкитиб, силкитиб, унсиз... Момо ўз ўғлини бағрига босиб, пешонасидан, кулдиргичларидан ўпмоқчилар... афсус, ёдгорлик баланд экан... бутун танаси титраётган момомизнинг кўзлари қуруқ, ёш йўқ. Ажабо, кўз ёшлар адо бўлдимикин. Момомизнинг... эҳтимол... сўнгги мактубнинг келганигаям ўттиз йил бўлди, ахир... кутилма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганда момомизнинг нурсиз кўзларидан бирам ёш оқди...».

Бундай табиий услуб ёш ёзувчининг қатор асарларида бўртиб кўринади.

Кейинги пайтларда Ҳайриддин Султоновнинг бу жанрдаги изланишлари ҳам ўқувчиларни ўзига жалб қила бошлади. Унинг «Тўқнашув», «Чайладаги тўрт киши» ҳикояларини бугунги ёшлар прозасининг яхши намуналари каторига қўшиш мумкин.

«Тўқнашув» ҳикоясида дунёнинг ажойиботларидан бехабар бўлган норасида гўдак қалби илк бор ёвузлик билан рўбарў келади. Боғча болаларини ҳайвонот боғига олиб борган тарбиячи уларни боғчадагидек эплаб тартибга сололмайди. Негаки, болалар ўзга бир оламни кўраётган, тасаввурига сиғмаган воқеаларни кузатаётган эди. Улар жўжаларни бамайлихотир илоннинг олдига ташлаётган аёлнинг ҳаракатидан ҳайратга тушади. Болалар қалбида илк бор ҳаёт ҳақида ўйлаш, уларнинг ўзлари тузиб, эртаклардан эшитиб, хаёлан гавдалантириб олган олами, унинг кўриниши тўғрисида бир-бирига ўхшамаган қарама-қарши фикрлар пайдо бўлади. Уларнинг тасаввурида жўжаларнинг қиронини келтирган ёвузлик тимсоли бўлган илон қандайдир енгилмас куч қаршисида яксон бўлиши лозим эди. Афсуски, уларнинг кўз олдида шундай воқеа содир бўлмаяпти. Шунинг учун ҳам улар ёвузлик тимсолини ўзлари тошбўрон қилиб йўқотмоқчи бўлдилар. Хуллас ҳикоя ана шундай драматик кечинмалар орқали ривожланиб боради. Бу эса, китобхонни хаёлга толдиради. Унинг қалбида қандайдир кайфият ҳосил қилади. Ҳайриддин «Чайладаги тўрт киши» ҳикоясида ҳам ижодкор сифатида ўзлигини кўрсатиб, эсда қоладиган характерлар яратган. Афсуски ана шу характерлар заминида ётган асар ғояси, ёзувчи нияти тўла англашилмай қолган.

Ёш ижодкор Алишер Ибодиновнинг «Бир томчи ёш» ҳикояси ўзининг таъсир кучи, табиийлиги, фикрнинг аниқлиги, ҳаётий кузатишларнинг нозиклиги билан ажралиб туради.

Ҳикоя воқеалари қалблар тўқнашуви асосида кечади. Оилани муҳаббат билан севадиган, оламни, кенгликни, хуллас гўзалликни нозик ҳис қиладиган Маъсуманинг қалби энг аввало мол-дунё, бойлик орқасидан қувиб, инсоний гўзал туйғуларни унутган эри Ражаббойнинг ҳатти-ҳаракати билан юзма-юз келади. Қаламкаш қалблар ўртасида содир бўлган бу руҳий тўқнашувни жозибали тил ва чиройлик тасвирларда акс эттиришга ҳаракат қилган.

Хуллас бугунги ёшлар прозасида бир қатор муҳим тенденциялар кўзга ташланади. Бу кўпроқ ҳаётни теран кўрсатишда, мукаммал характерлар яратишга интилишда кўринаётир. Тўғри, бу фазилатлар фақат ёшлар ижодигагина эмас, балки бугунги ўзбек прозасига хос бўлган етакчи белгилар ҳисобланади. Лекин ёшларнинг кўпчилиги ҳар бир асарда ҳаёт ҳақиқатларини умумлаштиришга, ўз индивидуал қиёфасини кўрсатишга интилаётгани қувончлидир. Бу ҳолат эса, шубҳасиз, уларни янада яхшироқ асар яратишга, халқ ҳаётини чуқурроқ ўрганишга даъват этади.

Гуманистик туйғуларни эъзозлаш инсоний меҳр-оқибатни, муҳаббатни бадиий ифода этиш ёшлар ижодига хос бўлган ижобий хусусиятлардир. Одатда, кўпчилик ёшлар муҳаббат деганда севгини тушунишар, аксарият ошиқ йигитнинг кечинмаларини тасвирлашга, маъшуқанинг ширин орзуларини ҳикоя қилишга мойиллик билдирар эдилар. Тўғри бу ҳам зарур. Лекин гуманизмнинг бошқа жуда кўп ва янада чуқурроқ томонлари борки, уларни тасвирлаш бадиий адабиётнинг ҳамиша муҳим бурчи бўлиб келган. Шу жиҳатдан ҳам ёшларнинг изланишлари эътиборга лойиқдир.

Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг «Оқ булутлар», Қамчибек Кенжанинг «Илинж», Нодир Норматовнинг «Ҳуштаклар» номли ҳикояларида ана шу маънодаги севги — инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати, меҳри, ўзига хос тарзда бадиий ифодасини топган.

Кейинги пайтда ёшларнинг биринчи ҳикоя ва шеърий мажмуалари юзасидан бўлган фикр олишувларда ўртага ташланаётган хилма-хил мулоҳазалар адабий ҳаракатчиликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи томонидан юқорида номлари зикр этилган айрим ёшларнинг биринчи китоблари юзасидан уюштирилган (1978 йил, 26 февраль) муҳокамани эслаб ўтиш жоиздир. Мазкур муҳокамада танқидчи Норбой Худойберганов Қамчибек Кенжанинг «Соҳилда» ҳикояси ҳақида мулоҳаза юритиб, ундаги қизнинг ҳаракатларини ҳаёсизликдан иборат деб талқин қилди ва асарда илгари сурилаётган ёзувчи мақсадини нотўғри баҳолади. Худди шундай фикрни «Яшил барг» ҳикоялар тўплами ҳақида мулоҳаза юритган Тўлабой Рўзибоев «Изланиш мевалари» номли тақризда ҳам илгари суради. Тақризчи «Соҳилда» ҳикояси ҳақидаги фикрларини шундай баён қилади. «Унда ёшлар қалбидаги нозик кечинмалар тасвирланади. Ёзувчи бадан тарбияси ишларига маҳлиё бўлиб, бир оз ҳаё, ибо деган нарсалардан йироқлашиб қолган, чўмилиш пайтида таниш йигитнинг гаплари, хатти-ҳаракатларидан туйғулари уйғона бошлаган, ўз-ўзини англай бошлаган қиз образини чизади. Шу йўл билан муаллиф ҳаётимизда учраб турадиган айрим беҳаё қизларни қоралагандай бўлади».

Афсуски, бу ерда танқидчи Норбой Худойберганов ҳам, тақризчи Тўлабой Рўзибоев ҳам ҳикоядан чиқадиган маънони, ёзувчининг мақсади ва ниятини яхши англаб ололмаган. Ҳикояда беҳаё қиз ҳақида гап йўқ. Аксинча яхши тарбия кўрган, эркин ўсган, кўнглида кири йўқ шўх қизнинг руҳиятида севги билан бирга уйғонаётган нозик бир ҳиссиётнинг намоён бўлиши чиройли акс эттирилган. Биз «Соҳилда» ҳикоясини нуқсонсиз, етук ҳикоялардан бири деб ҳисоблаётганимиз йўқ. Бу ерда гап асарни тўғри таҳлил қилиш, ёзувчининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақсадини тўла тушуниб етиш устида кетаяпти.

Ёшлар асарларини кўздан кечириш жараёнида уларда ҳали ҳаётий тажрибанинг камлиги ва бадиий маҳоратнинг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган бир қанча нуқсонлар учрайди.

Эркин Аъзамовнинг «Шайтончалар кўчаси» ҳикоясида болаликнинг ширин дамлари қизиқарли деталлар воситасида тасвирланган. Лекин ортиқча тафсилотларнинг кўплиги, воқеалар баёнининг чўзилиб кетиши асарнинг бадиий такомилига салбий таъсир этган. Ёки Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг «Қадр» ҳикоясини олайлик. Ҳикояда тасвирланишича айрим ношуд раҳбарларнинг айби билан кўпгина нотўғри ишлар қилинган, яна қанча ишлар эътибордан четда қоляпти. Ҳикоя қаҳрамони Қодиржон қалбида ана шу лоқайдликка қарши исён пайдо бўлади. Лекин буларга қарши кураш фаолият билан эмас, колхоздан бош олиб кетиш, «Кўмир ташисам ҳам шаҳарда яшайман», деган ният билан ниҳоясига етади. Асарнинг ечимида эса «исёнкор» фаолияти янада жўнлашиб кетади. Колхоздан кетиш ниятида ариза ёзиб идорага борган Қодиржон янги парткомни кўриши билан ўз ниятидан қайтади. Ўша куниёқ улар қачонлардан буён очилмай ётган клубга боришади. Клубни ишга туширишади. Эртасига «Ўтган кунлар» киноси қўйиладиган бўлади. Қодиржон ойиси ва рафиқасини олиб кинога келади. Хуллас ишлар юришиб кетади. Бундай жўн тасвир албатта ёш ёзувчининг ҳаётидаги зиддиятларни бадиий ифода этишга маҳорати етишмаслиги натижасидир. Турмушимизда учрайдиган қарама-қаршиликларни шу хилда осонгина ҳал қилиб ўқувчини ишонтириб бўлмайди.

Бугунги ёшлар ижодида насиҳатгўйликдан иборат ўта жўн асарларни топиш қийин бўлиб қолди. Лекин ҳикоянинг умумий руҳига сингиб кетган дидактик форма турли кўринишда намоён бўлаяпти. Нодир Норматовнинг «Аёл овози», Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг «Қовун сайли», Қамчибек Кенжанинг «Аёл» ҳикоялари шу сирага киради. Улар силлиқ, равон, ўқишли ёзилган. Тасвирлар, диалоглар жойида. Ҳатто эсда қоладиган деталлар ҳам бор. Лекин уларда ёзувчининг айтадиган гапи омонат. Унинг замирида насиҳат ва ўгитнинг кўриниши шундай сезилиб турибди. «Аёл овози»да касал бўлиб қолган шахс ўзига қараётган аёлни яхши кўриб қолади. Оилалик, фарзандлик аёл буни билса-да, касалнинг кўнгли ўксимасин деб ундан яхшиликни, ширин сўзини аямайди, самимий муомаласини ўзгартирмайди. Бемор бир оз ўзига келгач, аёл қизидан у яхши кўрган гулларни бериб юборади. Ўзи севиб қолган аёлнинг қизи борлигини сезган «ошиқ» йигит ҳам тинчийди. Ниҳоят қиссадан ҳисса тарзида ҳикоя шундай якунлади. «Эшик тирқишидан йигитнинг қизчани кўтариб юрганини кўриб Маликанинг кўзига ёш келади».

Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг «Қовун сайли» ҳикоясида қишлоқда яшашдан бош тортиб шаҳарда қолган йигитни ойиси қишлоққа — қовун сайлига олиб боради. У ерда соф ҳаво-ю кечқурунда қовунларнинг ёрилишига, эрталабки тилимларнинг ширинлигига маҳлиё бўлиб қишлоққа отланмаганидан пушаймон бўлади. Ҳикоя шундай якунланади. «Ойим менга қаради. Бош ирғаб кетамизми дегандек шаҳар томонга ишора қилди. Мен бошимни сарак-сарак қилиб йўқ дедим».

Қамчибек Кенжанинг «Аёл»ида яхши муомалали йигит билан поездда бирга кетган аёл унинг меҳрибонликларини кўриб ўз турмушини ўйлайди, эрининг кейинги пайтларда ўзига эътиборсиз бўлиб қолганлигини, хуллас айниётганини хаёлдан ўтказади.

Кўрамизки, бу ҳикояларда қаламкашлар осон ва жўн ўгитларни қаламга олиш йўлидан нарига ўтмагани учун жиддий муваффақият қозона олмаганлар. Мазкур ёш ёзувчилар аксари ҳолларда салмоқли ва муҳим мавзуларга мурожаат қиладилару, аммо унинг ҳали ўқувчи билмаган қирраларини очиб беришда ожизлик қиладилар. Ҳаётни пухта билмаслик ва маҳорат етишмаслиги бунга ҳалақит беради.

Масалан, Улуғ Ватан уруши мавзусига бағишланган ҳикояларни олиб кўрайлик. Бу авлод уруш йилларининг қийинчиликларини бошидан кечирган эмас, лекин уларнинг бу мавзуда ёзган ҳикояларидаги ожизликни бу билан оқлаб бўлмайди. Улар бу мавзуга чуқурроқ ёндошмаётганликлари, унинг ҳали бошқа ёзувчилар илғаб ололмаган томонларини ёритишга астойдил киришмаётганликлари туфайли ҳикояларнинг сюжети, композицияси, ҳатто қаҳрамонлар фаолиятида ҳам бир хиллик содир бўлиб қоляпти. Қамчибек Кенжанинг «Таъқиб» ҳикоясида уруш бошланиши билан жангга отланган Нуралининг аёли Зайнабни, ногиронлиги баҳона урушга бормаган Мамат зўравон йўлдан урмоқчи бўлади. Уни алдайди, қўрқитади, лекин мақсадига эришолмайди. Ниҳоят урушда бир оёғидан ажралиб қайтган Нурали муттаҳам Маматнинг адабини бериб қўйиш ниятида ишхонага жўнайди, у билан олишади.

Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг «Туман тарқалганда» ҳикоясида колхоз раиси Расул отанинг хотини уни кутмасдан эрга тегиб кетади. Расул келгач, хижолатга чидамаган аёл эри билан колхоздан кетиб қолади. Эри ўлгач, яна ўзи туғилиб ўсган жойга, собиқ эри раислик қилаётган колхозга қайтиб келади. Нодир Норматовнинг «Осойишта кунлар қўйнида» ҳикоясида урушга кетган Шукурнинг севгилиси у келгунича ўзларига ёрдам бериб турган кимсага тегиб олади. Шукур урушдан қайтиб келади. Яна эски муҳаббат қўзғаб, унинг атрофида айланиб юради ва ҳоказо.

Албатта, бу ҳикоялар биз баён қилганимиздек, жўн эмас. Улар анча маҳорат билан самимий ёзилган. Лекин бу асарларни ўқиб бўлгач, нимадандир кўнглинг тўлмайди, ўйланиб қоласан. Чунки бундай тасвир ҳозир деярли шаблонга айланиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғри, бу ҳам уруш келтирган фожиа, лекин бор гап шундан иборат эмас-ку! Статистика маълумотларига кўра СССРда йигирма миллиондан ошиқ одам урушда қурбон бўлган, 25 миллион киши бошпанасиз қолган, 17 минг шаҳар, 70 мингдан ортиқ қишлоқ вайрон бўлган. Албатта биз, буларнинг ҳаммаси ҳар бир ҳикояда ўзининг ифодасини топсин, демоқчи эмасмиз. Лекин бу мавзу юқорида ёзилгандай давом этаверса, зикр этилган рақамларнинг мазмуни, моҳияти, ундаги таассуротлару, азоб-уқубатларнинг даҳшати жўнлашиб кетмасмикин? Ўрни келганда, Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясини эслатиб ўтамиз. Ўткир Ҳошимов уруш фожиасини тасвирлашда ўзига хос йўлдан бориб оригинал асар яратишга эришди. Бу албатта изланиш мевасидир.

Худди шунингдек ҳар бир ёш ижодкор ҳам бу мавзуни чуқурроқ ўрганиши, дадилроқ изланиши лозим.

Тўғри, ҳали ҳикоя жанрининг хусусиятларини тўла тушуниб етмасдан машқ қилаётган ёшлар ҳам анчагина. Уларнинг ижод намуналаридан айримлари республика матбуоти саҳифаларида тез-тез кўриниб турибди. Аксарият ошиқ-маъшуқларнинг интим кечинмаларидан, шунчаки оддий ва жўн воқеаларнинг баландпарвоз баёнидан иборат бўлган бундай ҳикоялар қандай тез ёзилган бўлса, китобхон ҳам уни шундай тезликда унутиб юборади. Шунинг учун ҳам булар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтирмадик.

Хуллас, ҳикоя жанрида илк бор қалам тебратаётган ва биринчи китобларини ўқувчиларга тақдим этишга журъат этган бу ёшлар ҳали ўз мухлисларини қувонтирадиган асарлар яратадилар ва улар адабиётимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшадилар. Чунки, юқорида фикр юритган асарларимизда бу ишончни оқлайдиган нишоналар бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi